

Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / 156-ҳадис

Ўқувчи китоби

Закот китоби

156 - ҳадиснинг мазмунини қисқарттириб келдик: «Бундан бошқа мол-мулкнинг борми?» дедилар. У: «Йўқ!» деди. У зот: «Буни мендан ким сотиб олади?» дедилар. Уни Нуъайм ибн Абдуллоҳ Адавий саккиз юз дирҳамга сотиб олди ва (пулни) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга олиб келиб, топширди. Кейин у зот: «Аввал ўзингдан бошла, ўзингга садақа қил, агар бирон нарса ортиб қолса, аҳлингга, аҳлингдан ҳам бирон нарса ортиб қолса, қариндошларингга, қариндошларингдан ҳам бирон нарса ортиб қолса, «бундай, бундай», деб ишора қилдилар». Яъни олдингга, ўнгу сўлингга».

[2512 ҳадис, 3955 ҳадис, 4652 ҳадис, 1219 ҳадис, 997 ҳадис, 2141 ҳадис].

1. Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бану Узралик бир киши бир қулини мудаббар қилиб, озод этди. Бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга етиб келди. Шунда у зот: «**Бундан бошқа мол-мулкнинг борми?**» дедилар. У: «Йўқ!» деди. У зот: «**Буни мендан ким сотиб олади?**» дедилар. Уни Нуъайм ибн Абдуллоҳ Адавий саккиз юз дирҳамга сотиб олди ва (пулни) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга олиб келиб, топширди. Кейин у зот: «**Аввал ўзингдан бошла, ўзингга садақа қил, агар бирон нарса ортиб қолса, аҳлингга, аҳлингдан ҳам бирон нарса ортиб қолса, қариндошларингга, қариндошларингдан ҳам бирон нарса ортиб қолса, «бундай, бундай»,** деб ишора қилдилар». Яъни олдингга, ўнгу сўлингга».

Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насаий, Абу Довуд ва Ибн Можга ривоят қилишган.

* Мудаббар - озодлиги хожасининг ўлимига боғлиқ мамлук (қул ва чўри). Хожа қули ёки чўрисига «Мен ўлганимдан кейин озодсан» деса, у ўлиши билан ўша қул ёки чўри озод ҳисобланади, кейин унга ҳеч ким эгалик қила олмайди, хожага эса қул озод қилганининг савоби бўлади. Ана шундай қул «мудаббар» дейилади.

Изоҳ: «Олдингга, ўнгу сўлингга» дегани атрофингдаги муҳтожларга тарқат деганидир.

Манба: hadis.islom.uz

